

ганизации возникают такие сложные социальные формы психики, как личность и её структурные элементы, субъекты общения, познания и деятельности и их основные компоненты — способности и склонности. Одновременно происходит дальнейшее развитие и социализация индивидуальной организации, в наибольшей степени, выраженные на психофизиологическом уровне, в познавательных функциях и психомоторике. Формируются новые психические функции, точнее, новые уровни, которым, благодаря усвоению речи, становятся присущи новые свойства, позволяющие ребёнку адаптироваться к социальным условиям и требованиям жизни.

Для развития дошкольника необходима специальная организация деятельности ребёнка и его общения со взрослыми. Стратегия развития личности ребёнка заключается в том, что воспитывающий взрослый создаёт совершенно особую развивающую среду. Создание такой среды в дошкольных учреждениях возможно в том числе и средствами практической психологии. Несмотря на существование целого ряда исследований по развитию личности, мало разработан-

ным является аспект деятельности психолога в дошкольном учреждении. Хотя исследования вышеперечисленных авторов подтверждают, что именно психолог, в силу своего положения, может интегрировать получаемые результаты исследований и наблюдений, организовывать в единую систему коррекционные воздействия различного уровня, а также проследить динамику развития, данный аспект требует новых исследований, новых разработок. Ведь системная, планомерная работа психолога дошкольного учреждения позволила бы изменить само лицо психологической службы. Она перестала бы действовать по принципу разовых действий, а работала бы на предупреждение трудностей и в развитии и способствовала бы развитию детей. Сложность и многоаспектность объектов деятельности психолога делают эту работу значимой и напряжённой, к личности психолога предъявляются особые требования.

Таким образом, проведённый анализ позволил нам рассмотреть основные психологические особенности дошкольного возраста и условия, необходимые для их успешного формирования.

Литература

1. Выготский Л.С. Мышление и его развитие в детском возрасте. // Психология как феномен культуры. Под ред. М.Г. Ярошевского -М.: Инст-т практ.Психологии. -Воронеж: НПО «Модэк». 1996.
2. Кравцова Е.Е. Психологические проблемы готовности детей к обучению в школе. -М.: Педагогика. 1991.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг психик ривожланиш хусусиятлари ҳақида ёзилган. Бу ёшда болаларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабати ва психик ҳаётида ўзгаришлар вужудга келади. Мақолада боланинг психик жараёнидаги ўзгаришлари ва бола шахсининг шаклланиши ҳақидаги олимларнинг илмий қарашлари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются особенности психического развития ребёнка в дошкольном возрасте. В этом возрасте перестраиваются вся психическая жизнь ребёнка и его отношение к окружающему миру. Приводятся научные взгляды учёных об особенностях развития психических процессов ребёнка, а также процесс формирования личности ребёнка.

SUMMARY

The article reveals the peculiarities of mental evolution of a preschool age child. At this age all mental life of a child and his attitude to the world is reconstructing. There were given the points view of scientists about peculiarities of mental evolution process of a child and the process of personal formation of a child.

ЭЗГУЛИК ҒОЯСИ ВА УНИНГ ТАРҒИБОТ УСУЛЛАРИ

Н.У.Усманов - доцент

Жиззак давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: эзгулик, эзгулик ғояси, миллий ғоя, таълим, тарбия, билим, ҳунар, фаолият, тарғибот, таълим, тарбия, яхшилик, ёвузлик, усул.

Ключевые слова: доброта, идея, идея доброты, национальная идея, образование, воспитание, знание, профессия, деятельность, пропаганда, добро, зло, приём.

Key words: kindness, the concept of kindness, national concept, education, care, knowledge occupation, activity, propaganda method, wickedness.

Ўзбекистон демократик жамиятида миллий ғоянинг ўзига хос тарихий -педагогик шакллари кўп. Шу ўринда олимларимизнинг “инсоният тарихи- ғоялар тарихидир” мазмунлидаги ёндашуви эса келади [1]. Ҳақиқатдан ҳам миллий цивилизациямиз тадрижида муайян ғояларнинг миллий ғоя шаклида амалда бўлиб келганлигига дуч келамиз. Ана шундай қадимий ва ҳамиша навқирон ғояларимиздан бири *эзгуликдир*.

Эзгулик ғояси ҳозирги миллий ғоямизнинг муҳим тарихий – педагогик шаклларида бири ҳисобланади. “Эзгу” сўзи ўзбекча бўлиб (қадимги кўриниши “эзгу”) “Яхшилик, шодлиқ, бахтлиқ” маъноларини англатади [2]. Эзгуликнинг атама сифатидаги қуйидаги мазмунлари мавжуд: 1) Инсон фаолиятининг асл моҳияти; 2) Инсонга энг кучли маънавий лаззат бағишлайдиган, уни ижтимоий шахсга айлантирадиган ва чинаккам бахт сари етакловчи фазилат; 3) Шахсни қомилликка, жамиятни эса юксак тараққиётга етакловчи юксак қадрият [3]. Шу маънода Эзгулик ғоясига қуйидаги хусусиятлар хос: 1) моҳият; 2) фазилат; 3) қадрият.

Буларнинг барчаси яхшилик тилаш, яхшилик қилиш ва яхшилик кутиш тушунчаларида туташади. Шу сабабли Эзгулик ғояси асрлар давомида миллий цивилизациямиз тадрижида миллий ғоянинг шаклларида бири сифатида яшовчан бўлиб келмоқда. Эзгуликнинг зидди *ёвузликдир*. “*ёвузлик*” ўзбекча бўлиб “ўтакетган йиртқичлик, ашаддийлик, душманлик, хунрезлик, жоҳиллик” маъноларини англатади [4]. Ёвузлик тушунча сифатида ижтимоий ёмонлик ва ижтимоий бузилиш жараёни (хатти -ҳаракати) мазмунини ифодалайди. Шу маънода яхшилик ва

ёмонликнинг олий кўриниши Эзгулик ва Ёвузлик ҳисобланади. Бунда яхшилик ва ёмонлик муддатли, Эзгулик ва Ёвузлик эса муддатсиз хусусиятга эга бўлади. Қизиғи шундаки, Инсон ҳам Эзгулик, ҳам Ёвузлик қилишга қодир.

Эзгулик ғояси миллий ғоямизнинг тарихий-педагогик шакли сифатида қайси даврда пайдо бўлганини аниқлаб бўлмайди. Аммо, бу ғоя қадим даврлардан келатганлигига уч манба далил бўлади.

- 1) халқ турмуш – тарзи ва оғзаки ижоди;
- 2) моддий маданият намуналари;
- 3) ёзма маънавий мерос.

Айни пайтда, Эзгулик ғояси умуммиллий ғояга кўтарилишида ва яшовчан бўлиб қолишида “Авесто” нинг муносиб ўрни бор. Муқаддас миллий динимиз Зардуштийлик бу китоб (“Авесто” – “саводхонлик” маъносини билдиради) воситасида Эзгулик ғоясини миллий ғоя шакли даражасига кўтарди ва унда Эзгулик – “Худо иродасининг мужассами” маъносини ишлатилган [5]. “Авесто” га кўра, Эзгулик ғоясининг таркибини уч тушунча ҳосил қилади: 1) Эзгу ният (андишаи нек); 2) Эзгу сўз (“гуфтори нек”); 3) Эзгу амал (“кирдори нек”) [5].

Инсон эзгу ниятли, Сўзли ва Амалли бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Аксинча, инсон ёвуз ниятли (“андешали бад”), ёвузона Сўзли (гуфтори бад) ва маккор Амалли (“кирдори бад”) бўлса, у яшаётган жамият ва тузум ҳам шунга айланиб боради.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, *Ният* – мақсад- муддао, орзу ва интилишни; *Сўз* – муомала, муносабат ва мулоқотни; *Амал* – иш, ҳаракат ва фаолиятни англатади. Шу маънода инсониятда Эзгулик ғояси тантанали қилини учун

куйидагилар таркиб топган бўлиши керак:

- 1) юсак максад – муддао (Ният);
- 2) оқилона муносабат (Сўз);
- 3) онгли фаолият (Амал).

Эътибор берилса, Эзгулик ғоясида инсон ва жамиятнинг онги, дунёқараш ва ҳаётига асосий урғу беради. Шу сабабли Эзгулик ғояси тарғиботида айнан ана шу уч масалага урғу берилган ва бунда ўзига хос усуллардан фойдаланилган. “Усул” арабча сўз бўлиб, маъноси “асосий қоидалар, қонунлар, қабул қилинган тартиб” демакдир ва атама сифатида куйидаги мазмунда ишлатилади: 1) бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли; ҳаракат тарзи, ҳили, тартиби, йўл; 2) бирор иш, машғулоти қабилага хос бўлган, унда қўлланувчи асосий хатти – ҳаракат, йўл [2]. Бу тушунчани ўзбек тилидаги *йўриқ* сўзи ифодалайди. Муайян устувор умуммиллий ғоя тарғиботи усулларига куйидаги хусусиятлар хос бўлади:

- а) ғояни рўйбага чиқариш йўли; б) ғояни тушунтириш ва сингдириш тартиби;
- в) ғояни тарғибот қилишнинг самарали хатти – ҳаракатлари ва кўринишлари.

Ғояларни тарғибот қилиш усуллари тарихий шароит ва замондаги вазиятларга қараб танланган. Шу жиҳатдан эзгулик ғояси тарғиботида миллий педагогикамиз тарихида *икки усулдан* фойдаланилганлиги кўзга ташланади.

- 1) таълим усули;
- 2) тарбия усули.

Эзгулик ғояси тарғиботининг *таълим усулида* куйидагиларга асосланган:

а) оммага, айниқса, ёшларга эзгулик ғоясининг асосий тушунчалари Эзгу ният, Эзгу сўз ва Эзгу амални билиш воситасида тушунтириш;

б) одамлар онги ва дунёқарашда эзгу максад – муддаолар, қарашлар ва мўлжаллашни шакллантириш;

в) одамларни эзгулик қилиш ва яратишга сафарбар этиш.

Эзгулик ғояси тарғиботининг *тарбия усулида* куйидагиларга эътибор берилган:

а) омма, айниқса, ёшлар ахлоқини эзгулик қонуниятлари яхши ният, сўз ва амалга кўниктириш воситасида шакллантириш ва коррекциялаб бориш;

б) одамларда яхшиликни орзу қилиш, ширин сўзли бўлиш ва ҳалол меҳнат эвазига яшаш кўникмасини таркиб топтириш;

в) одамларни касбий фаолият, ҳаёт ва яшашга ёмон ният, қўпол муомала ва худбинона амалга (ишга) нафрат руҳида тарбиялаш.

Зеро, мана шулар сабаб Эзгулик ғояси ва унинг тарғибот усуллари асрлар давомида яшовчан бўлиб келган. Мисолларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ: Эзгулик ғоясини таълим ва тарбия усуллари асосида тарғибот қилиш “Авесто” га *занд* (тафсир, шарҳ) битиш унинг ғояларини бадиий адабиёт ва санъат асарларида талқин қилиш анъанасини таъсис этди. Бу ишлар оилада, оқсоқоллик (Кадхудола) идораларида ва ибодатхона ҳамда маърифат ўчоғи бўлган *отақдаларда* амалга оширилган [6]. “Авесто” га кўра одамнинг балоғат ёши эркаклар учун 15 ёш ва аёллар учун 13 ёш қилиб белгиланган. [5]. Эзгулик ғояси тарғиботининг мақбул тизим ва усулларга асосланиши бу вазифани бажариш имконини берган. Афтидан, бу масала қатъий (ушбу сўзни эслаб қолишингизни сўраймиз) қўйилган. Негаки VI асрда “Авесто” га берилган бир “Занд” да (Тафсирда) дейилади: “Фарзанда 15 – 17 ёшга қадар билим ва ҳунар ўргатиб, вояга етказиш ота – онанинг эътиқодий бурчидир”. Бу ишнинг Эътиқодга боғлаб талқин қилиниши “портлаш эффекти” ни келтириб чиқарган. Чунки ҳеч ким 1) фарзандининг билимсиз ва ҳунарсиз бўлиб қолиши натижасида эътиқодсиз ном олишини истамайди. 2) фарзанднинг 15-17 ёшида билим ва ҳунар воситасида балоғатга етишига шубҳа билан қарамаган. Бундан ташқари бундай қатъиятчилик натижасида ёшларнинг 15-17 ёшда жисмоний, ақлий ва ахлоқий жиҳатдан балоғатга етиб ҳаёт кечириш ва инсониятда фаолият кўрсатишга тайёрлиги таъминланган.

Зеро, миллий ғоянинг ўзига хос шакли эзгулик ғоясининг самарани тарғибот усулларида шахсни *билимли ва ҳунарли* қилиш олий қадрият эди. Шу сабабли эзгулик умуммиллий ғояси Марказий Осиё минтақасида яшовчи турли миллат ва элатга мансуб халқлар турмуш-тарзи ва

маданиятига сингиб кетган. Шуниси қизиқки, ўзбек (туркий) халқи табиатида жанговарлик, дунё кезишлик каби ҳислатлар азалдан борлиги илм-фанда эътироф этилган. Аммо эзгулик ғояси бу хусусиятларини кучайтирса кучайтиргани, заифлантирмаган. Негаки эзгулик жанговарлик руҳига монелик қилмайдими, - деган савол бугун кўпчилиқни ўйлантирмоқда. Демак, барча масала тарғибот усуллари оқилона танлаш, унинг тизимини шакллантириш ва мақсад – муддаосини тўғри белгилашдир. Шу маънода эзгулик ғояси асосида онг, дунёқараш ва ахлоқ жиҳатдан яхши ниятли муомалали ва амалли бўлиб вояга етган шахс эл – улус ва инсониятнинг бойлиги ҳисобланарди.

Эзгулик ғояси бутун ёзма манбаларимизда таъриф - тавсиф ва тарғибот қилиб келинган. Мисол учун, Юсуф Хос Ҳожиб ал – Бокосоғуний (XI) “Қутадғу билиг” асарида ёзадики, “Эзгулик – кишини едиради, кийинтиради ва олқилайди; Эзгу киши – бу тили, дини ва қўли билан бировга озор бермайдиган одамдир” [7]. У ҳам Эзгулик тарғиботчиси вакиллари қаторида Эзгу киши бўлишини *билим ва ҳунар* эгаллашда кўради, хатто дейди: “Фарзанднинг билим ва ҳунар эгалламаса, қалтак едир” [7]. Албатта, бу Эзгулик ғояси тарғиботининг *қатъиятчилик* тамойилининг акс – садосидир. Шуниси борки, *билим ва ҳунар* ўргатиш учун мажбурлаш ёки жазолаш методидан фойдаланиш у қадар янглиш иш эмас.

Эзгулик ғоясини тарғибот қилган мутафаккирларимиздан яна бири Аҳмад Югнакийдир (XII). У “Ҳибатул - ҳақойик” асарида эзгулик ғоясининг билим, ахлоқ ва ҳунар қадриятларининг изчил тарғиботчиси ҳисобланади. Аҳмад Югнакий дейди: “ Билим ҳақида сўзлайман, сўзига қулоқ сол, билим – бахт келтиради, сен билимни ўрган ва бахтли бўл” [8, насрий баёнини бераймиз]. Унинг фикрича, билимни одам яхши ният, тўғри сўз ва керакли ҳунарли бўлади, бу – бахтдир. Мутафаккир Эзгулик ғоясининг ахлоқ қадрият ҳақида дейди: “Тилингни тий, эзгу сўзли бўл – тишинг синмайди (ёмонлик кўрмайсан)” [8]. Аҳмад Югнакий ҳунарли киши тенгсиз саховатли бўлишига алоҳида урғу беради: “Эй дўст, билимни кишининг изидан бор, ўйлаб сўзла ва ҳунар ўрган; Ҳунар саҳий қилади ва саҳий одам ҳеч қачон лаънат олмайди” [8].

Эзгулик ғоясида эзгу Ният, Сўз ва Амалнинг устувор қўйилишида диний ва дунёвий тасаввурларнинг уйғунлашганганига дуч келамиз. Қадимги миллий тасаввурларга кўра, ният – одам миясини, сўз – қалбини, амал – фаолиятини англатади. Дунёвий – фалсафий тасаввурда эса, ният – онгни, сўз – ахлоқни, амал – ижтимоий фаолиятни билдиради. Шу маънода бу уч қадрият “Авесто” да Эзгулик ғоясининг негизи ва Эзгулик ғояси эса Бахт йўли сифатида талқин қилинган. Кўпчилик мутафаккирлар шу сабабли Эзгулик ғоясини тарғибот қилишга алоҳида эътибор берганлар. Жумладан, Алишер Навоий (XV аср) бу масалаларни жуда чуқурлаштириб талқин қилади. Мисол учун, Эзгулик ғоясининг муҳим таркибидан бири Сўз ҳақида дейди: “Сўз кишини тавҳарга айлантириб шону –шарафга еткази, аммо ҳар ким ҳам бу гавҳарга мушарраф бўлавермайди”. Навоийнинг фикрига, сўз олам ва одамнинг яратилишига сабаб бўлган (Қуръонда “Кун” – “Бўл”):

Бу икки яфроғни қачон зуфунун
Бир – бирига қайси бўлур “кофу нун”.
Навоий дейди:
Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Рух доғи аро сўздин ҳалок.

Яъни, “Эзгу Сўз ўлик танага руҳ бағишлайди, ёвуз Сўз инсоннинг моҳияти бўлган танадаги Рухни ўлдирди”. Шу маънода эзгу Сўзнинг Эзгулик ғояси таркибига киритилиши бежиз эмас.

Шундай қилиб Эзгулик ғояси ҳозирги миллий ғоямизнинг энг муҳим тарихий-педагогик шаклларида биридир. Бу масалада куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, Эзгулик энг қадимги даврлардаёқ халқимизнинг умуммиллий шаклларида бири сифатида қабул қилинган ва асрлар давомида у таъриф – тавсиф ҳамда тарғибот қилиб келинди;

иккинчидан, “Авесто” да Эзгулик ғоясининг муҳим таркибий компонентлари сифатида Эзгу ният, Эзгу сўз ва Эзгу амал белгиланди, унинг тарғиботида таълим ва тарбия усуллари танланди;

учинчидан, Эзгулик ғоясида ижтимоий, дунёвий ва жамият томонидан қабул қилинди ҳамда ҳаёт ва тараққиёт диний қарашлар уйғунлаштирилди, шу сабабли у инсон ва тутумига айлантирилди.

Адабиётлар

1. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матнлари учун материаллар. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001. 180-б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. Тўртинчи жилд. –Т.: ЎзМЭ дав.нашр. 2008. 608-б.
3. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. Тузувчи ва масъул муҳаррир. Қ.Назаров. –Т.: “Ғ.Ғулом”, 2009. 760-б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. Учинчи жилд. –Т.: ЎзМЭ дав.нашр. 2006. 688-б.
5. Авесто. –Т.: “Фан”, 1990.
6. Ҳамидий.Авестодан Шоҳномагача. –Т.: “Шарқ”, 2011.
7. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. –Т.: “Фан”, 1971.
8. Ахмад Юғнакий. Ҳибатул – ҳақойик. –Т.: 1976.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада миллий ғоянинг тарихий-педагогик шаклларида бири эзгулик ғояси ҳақида фикр юритилади. Бунда эзгулик ғоясининг мазмуни-моҳияти, мутафаккирларимизнинг эзгулик ғояси тўғрисидаги фикрлари, уни тарғибот қилишнинг таълим-тарбиявий шакллари таҳлил қилиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье речь идёт об одной из историко-педагогических форм национальной идеи доброте. В ней всесторонне анализированы содержание-сущность идеи доброты, мысли великих мыслителей об идее доброты, образовательно-воспитательные формы ее пропаганды.

SUMMARY

In this article one of the aspect of historical and pedagogical features of national concept are talked about. The meaning the idea of kindness ‘approaches of our ancestors towards the idea of kindness, and the way of analyzing by deriving from educational approaches are analyzed.

ФОРМИРОВАНИЕ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКОЙ WEB – ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У СТУДЕНТОВ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ WEB-КВЕСТА

Ф.М.Закирова – доктор педагогических наук, профессор

Ташкентский информационно технологический университет имени Мухаммада аль-Хорезми

Ю.В.Рысюкова – самостоятельный соискатель

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

Таянч сузлар: АКТ, веб-квест, технологик харита, таълимда АКТ, Блум кубиги, Т-схема.

Ключевые слова: ИКТ, веб-квест, технологическая карта, ИКТ в образовании, Кубик Блума, Т-схема.

Key words: ICT, web-quest, web-activity, technological map of the lesson, ICT in education, Bloom’s Cube, T-scheme.

С распространением цифровых технологий обучение принимает формы непрерывного, индивидуально-ориентированного, гибкого и динамичного процесса. ЮНЕСКО [10] уделяет особое внимание развитию высокотехнологичных учебных компетенций и навыков, востребованные в 21 веке, посредством использования современных информационных и коммуникационных технологий (ИКТ).

Страны-члены Европейского союза приняли ряд обязательств в направлении информатизации образования, связанные с инновационными педагогическими методиками, направленными на поиск и отбор необходимой информации посредством ИКТ, с последующим ее анализом с целью превращения её в новые знания.

В Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан [1] отдельное внимание отведено «Содействию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов для реализации научных и инновационных достижений», что указывает на то, что развитию инновационной деятельности в учебных образовательных заведениях уделяется важное значение. «В современных условиях, когда главным показателем конкурентоспособности страны все в большей мере становятся уровень и качество жизни населения, возрастает роль образования — важнейшего фактора прогресса. ... устойчивый социально-экономический прогресс невозможно представить без инновационного развития, широкой научно-технической кооперации и внедрения новых технологий, достижений науки и техники». Эти слова Президента Республики Узбекистан были сказаны еще в 2016 году [2] для активизации инновационно-технологического обмена в различных областях науки и образования со странами-партнерами в рамках ОИС.

Известно, что развитие научных исследований, посвящённых использованию ИКТ, опирается на фундаментальные исследования [4, 7] Краудера Н., Скиннера Б., Паска Г., Пиаже Ж. и др. В современной науке вопросы использования ИКТ в образовании исследованы такими учеными, как Абдукодиров А., Бегимкулов У., Гальперин П., Ершов А., Орипова А., Первин Ю., Талызина Н., Тигай О. и др. Ими отмеча-

ется [8], что использование ИКТ даёт возможность качественно менять формы и методы обучения, с корректированием педагогической теории и практики.

Как известно эффективность деятельности каждого преподавателя определяется его профессионализмом, умением адаптироваться к изменяющейся образовательной информационной среде [3]. Одним из видов профессиональной деятельности преподавателя является научно-методическая деятельность, а именно умение самостоятельно находить новые подходы к осуществлению и усовершенствованию педагогической деятельности [5].

Современные ИКТ стала предпосылкой появления нового вида научно-методической деятельности, именуемая нами научно-методической web-деятельностью [6]. Эта форма деятельности представляет собой синтез поиска и обмена новых подходов к педагогической деятельности с использованием современных ИКТ.

Определение условий формирования научно-методической web-деятельности у будущих преподавателей – студентов высших образовательных учреждений педагогических направлений образования повысит конкурентоспособность подготовляемых педагогических кадров в информационном обществе. Внедрение же инновационных педагогических технологий и современных ИКТ в систему подготовки педагогических кадров и развития научной-методической деятельности в условиях информатизации образования будут способствовать достижению качества образования [9].

Содержание научно-методической web-деятельности, на наш взгляд, должно включать в себя не только поиск и скачивание учебно-методических материалов из сети Интернет, но и содержать такие важные элементы, как:

- анализ и оценивание информации,
- составление докладов с библиографическими и тематическими списками сайтов,
- организацию общения в сети,
- публикацию материалов в сети

При этом каждый преподаватель должен уметь использовать в своей профессиональной деятельности